Ватан учун, миллат учун, халқ учун!

SHU AZIZ VATAN BARCHAMIZNIKI!

ISTIQBOL

№ 34
(6186)
2025-yil
29-avgust
Juma

Gazetaning QR-kodi
www.zangiota-istiqbol.uz

Zangiota tumani hokimligi ijtimoiy-siyosiy gazetasi ❙ 1934-yil 10-iyuldan chiqa boshlagan

ЗАНГИОТА ТУМАНИ ҲОКИМИ ЭРКИН РУСТАМОВНИНГ ТАБРИГИ

Азиз тумандошлар!

Бу йил жонажон Ўзбекистонимиз давлат мустақиллигининг 34 йиллигини “Ватан учун, миллат учун, халқ учун” ғояси асосида нишонламоқдамиз.

Ўтган йиллар мобайнида Ўзбекистонимиз машаққатли, шу билан бирга шарафли истиқлол йўлини босиб ўтди. Айниқса, сўнгги йилларда ҳурматли Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан бошланган ислоҳотлар, Янги Ўзбекистонни барпо этишдаги саъй-ҳаракатлар халқимиз учун, унинг эртанги куни янада фаровон бўлиши учун барча зарур шароитларнинг яратилишига замин бўлмоқда. Барча соҳаларда олиб борилаётган ижобий ўзгаришлар натижасида Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятида ўз ўрнига эга бўлди.

Мамлакатимиз тарихида янги саҳифа очган Ўзбекистонимиз Мустақиллигининг 34 йиллигини муносиб кутиб олар эканмиз, ўтган давр мобайнида туманимиз мутлақо янгича қиёфада намоён бўлаётгани, шу заминда яшаётган инсонларнинг кайфияти, бугунги ҳаётдан розилигини, эртанги кунга ишончини барча соҳаларда амалга ошираётган кенг кўламли ишларимизнинг моҳияти ва аҳамиятини, қурилиш, ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, илм-маърифат ва бошқа кўплаб соҳалардаги эришаётган салмоқли ютуқларимизни алоҳида эътироф этишимиз керак.

Байрам арафасида яна бир хушхабарнинг гувоҳи бўлдик. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Тадбиркорлар куни муносабати билан соҳа вакилларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида"ги Фармони имзоланди. Мукофотланганлар орасида туманимиз вакиллари - “Меҳнат шуҳрати” ордени билан тақдирланган “Toys Uz” масъулияти чекланган жамияти раҳбари Аҳзамов Ҳамидулла Атовуллаевич, “Фарм Диёр” масъулияти чекланган жамияти раҳбари Каримбаев Хўрсанджон Дадажонович, “Lider Kabel Group” масъулияти чекланган жамияти раҳбари Зоитбеков Юсуфбек Қудратбек ўғли, “Шуҳрат” медали



билан тақдирланган “Technologies of Real Time” масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси Акрамов Мурод Икрамович, “Фаол тадбиркор” кўкрак нишонига сазовор бўлган “Zangiota tomorqa xizmati export” масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси Абдуллаев Жамшид Зафаровичларнинг борлиги ниҳоятда қувончли воқеа бўлди.

Бу каби ютуқлар бизни янгидан-янги марралар сари чорламоқда.

Азиз туманимиз аҳли, ҳурматли юртдошлар!

Барчангизни Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 34 йиллик байрами билан чин қалбдан самимий табриклайман. Мустаҳкам соғлиқ, янгидан-янги ютуқлар, оилавий хотиржамлик ҳамиша йўлдошингиз бўлсин.

Жонажон Ватанимиз – Ўзбекистондан, хонадонларимиздан тинчлик-осойишталик, файзу барака ҳеч қачон аримасин!

Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо, инсон қадр топган, улуғланган диёримиз омон бўлсин!

Муҳаммад ЮСУФ,
Ўзбекистон Халқ шоири

Фидойинг бўлгаймиз сени, Ўзбекистон!

Оқ йўргакка ўрагансан ўзинг бизни,
Оқ ювиб, оқ тарагансан ўзинг бизни.
Бешигимиз узра бедор она бўлиб,
Кунимизга ярагансан ўзинг бизни.
Фидойинг бўлгаймиз сени, Ўзбекистон,
Ҳеч кимга бермаймиз сени, Ўзбекистон!

Қалқонинг бор, ким қасд қилса гар жонингга,
Алпомишлар руҳи ёр ҳар ўғлонингга.
Асрагаймиз гиёҳинг ҳам гулдай ўпиб,
Ёвлар яқин йўлолмагай қўрғонингга.
Адойинг бўлгаймиз сени, Ўзбекистон,
Ҳеч кимга бермаймиз сени, Ўзбекистон!

Тузинг тотиб, унутганлар хор бўлади,
Кўзларига икки дунё тор бўлади.
Шодон даминг кўролмаган юртфурушлар
Бир кун бир кафт тупроғингга зор бўлади.
Ёнингда тургаймиз сени, Ўзбекистон,
Ҳеч кимга бермаймиз сени, Ўзбекистон!..

Гул кўринган даштингдаги гиёҳ-хасдир,
Соддадилу улуғворлик сенга хосдир.
Севамизки, чўлларинг ҳам бизга жаннат,
Тупроғинг ҳам Макка мисол муқаддасдир.
Онадек кўргаймиз сени, Ўзбекистон,
Ҳеч кимга бермаймиз сени, Ўзбекистон!

Байрам шукуҳи



Асрагаймиз асрагандек қарорғни,
Дунёга кўрсатиб бирдамлик кучин.
Яшагаймиз баланд тутиб байроқни
Ватан учун, миллат учун, халқ учун.

► *Бунёдкорлик*

Обод юртга уй қурилари яраша

Бунёдкорлик бизга аждодлардан қолган мерос. Амир Темур бобомизнинг “Бизнинг куч-қудратимизга шубҳа қилсангиз, биз қурган иморатларга боқинг” деган пурмаъно сўзлари замирида ҳам ана шу ҳақиқат ўз аксини топган. Истиқлол йилларида бу борадаги анъаналар қайта тикланиб, юртимизда қисқа фурсатда амалга оширилган бунёдкорлик ишлари натижасида азим пойтахтимиздан то чекка ҳудудлар қиёфасигача тамоман ўзгарди. Шарқона услубда, замонавий бинокорлик талабларидан келиб чиққан ҳолда бунёд этилаётган иншоотлар мамлакатимизда қурилиш саноати жадал ривожланаётганига яққол мисолдир.

3

ISTIQBOL
2025-yil 29-avgust / Juma / № 34 (6186)

► *Халқ депутатлари Зангиота тумани Кенгаши сессияси*

МУҲИМ МАСАЛАЛАР МУҲОКАМАСИ

Еттинчи чақириқ Халқ депутатлари Зангиота тумани Кенгашининг навбатдаги XVII сессияси бўлиб ўтди. Сессияни Кенгаш раиси Эркин Рустамов бошқарди.

Кун тартибидаги 1-масала юзасидан туман ҳокимининг ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Сирожиддин Насировнинг “Халқ депутатлари туман Кенгашидаги ХДП партия гуруҳи томонидан ўрганилиб кун тартибига киритилган, “Тиббиётда 90 кунлик ўзгаришлар” дастури ҳамда таълим муассасаларида “Долзарб 90 кун” тадбирлари доирасида амалга оширилган ишлар тўғрисида”ги ахбороти тингланди.

Кун тартибидаги кейинги масала – Зангиота тумани Мактаб ва мактабгача таълим бўлимининг 6 ойлик фаолияти бўйича – туман Мактабгача ва мактаб таълими бўлими мудири Илҳом Холмирзаевнинг ҳисоботи тингланди.

Кун тартибидаги яна бир долзарб масалалардан бири – туман Тиббиёт бирлашмаси томонидан аҳолига сифатли хизмат кўрсатиш бўйича 2025 йилнинг 6 ойи давомида амалга оширилган ишлар юзасидан туман Тиббиёт бирлашмаси бошлиғи – туман марказий шифохонаси бош шифокори Камолиддин Раҳимовнинг ҳисоботи тингланди.

Маълумки, жорий йилнинг 7 май куни ҳурматли Президентимиз бошчилигида тиббиёт соҳасидаги ислоҳотларнинг навбатдаги босқичида турган устувор вазифаларга бағишланган видеоселектор йиғилишида “Тиббиётда 90 кунлик ўзгаришлар” дастури бошланиши эълон қилинган эди. Бунда, тиббиёт муассасалари кутиш жойларида қулай ўриндиқларни кўпайтириб, навбатни тартибга келтириш, “она-бола” хоналарини ташкил қилиш, ногиронлиги борлар эркин ҳаракатланиши учун кириш-чиқиш жойлари, хона ва йўлакларда инклюзив муҳит яратиш, қўл ювишга иссиқ суви бор покиза ҳожатхоналар ташкил этиш ишлари олиб борилиши мақсад қилинганди. Хўш, туманда бу борада қандай ишлар амалга оширилди?

К.Раҳимов ўз сўзида “Тиббиётда 90 кунлик ўзгаришлар” дастури бўйича бажарилиши керак бўлган 5 та мақсаддан иборат йўналишлар бўйича туман ҳокими томонидан тасдиқлаб берилган иш режаси асосида амалга оширилган ишлар, жумладан, ўтган даврда барча муассасалар ёритиш тизимининг янгиланганлиги, муассасалар очиқ рангга бўялганлиги, таъмирталаб полларнинг таъмирланганлиги, аҳоли учун қулай рўйхатхона ва кутиш заллари ташкил этилганлиги, шахсий гигиена қоидаларига риоя этиш, аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиш, ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқаролар учун қулай шароитлар яратилганлигига алоҳида тўхталди. Шу билан бир қаторда камчиликларни ҳам айтиб ўтди.

Шунингдек, сессияда бошқа муҳим масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Кун тартибидаги масалалар депутатлар томонидан муҳокама қилинди ва тегишли қарор қабул қилинди.

Ўз мухбиримиз.

► *Муносиб туҳфа*

ЯНГИ МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРНИ ЧОРЛАМОҚДА



Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 34 йиллиги арафасида турли объектларнинг ишга туширилиши байрамга алоҳида шукуҳ бағишламоқда. Ана шундай орзиқиб кутилган туҳфалардан бири 24-мактаб янги биносининг фойдаланишга топширилиши бўлди.



“Фаробий” маҳалласида барпо этилган мазкур таълим масканининг очилиш маросимида туман ҳокимлиги вакиллари, туман кенгаши депутатлари, устозлар, маҳалла аҳли ва кенг жамоатчилик иштирок этди.

Тадбирда иштирок этган туман ҳокими Эркин Рустамов барчани Мустақиллик байрами ва янги ўқув даргоҳининг очилиши билан қизғин табриклади.

Тадбирда сўзга чиққанлар давлатимизнинг ёш авлоднинг пухта билим олишлари, ҳунар ўрганишлари, иқтидорларини юзага чиқаришлари, спорт билан шуғулланишлари, илм чўққиларини эгаллашлари кабилар борасидаги ғамхўрликларини алоҳида эътироф этишди. Барча шароитларга эга мазкур мактабнинг очилиши давлатимизнинг бу борадаги ғамхўрлигининг яна бир ёрқин ифодасидир.

Шундай қилиб энди маҳалла ўқувчилари янги ўқув йилини барча қулайликларга эга бўлган янги мактабда бошлайдилар.

Ирода ДИЛМУРОД қизи.

► *Ҳашар – элга ярашар*

Жорий йилнинг 22-23 август кунлари бутун мамлакатимиз бўйлаб ўтказилган “Обод ва файзли маҳалла – юрт кўрки” шиори остидаги умумхалқ хайрия ҳашарида туманимиз аҳли ҳам фаол иштирок этишди.

ТОЗАЛИК БОР ЖОЙДА ФАЙЗУ БАРАКА БЎЛАДИ







Мустақиллигимизнинг ўттиз тўрт йиллиги арафасида ташкил этилган икки кунлик ҳашарда “Ватан учун, миллат учун, халқ учун!” деган улуғвор ғояни дилига жо қилган тумандошларимиз ташкилотларнинг биноси ва унинг атрофлари, ҳудудларда кенг кўламли озодалик ва кўкаламзорлаштириш ишларини амалга оширишди. Маҳалла кўчалари, далалар, йўллар четлари бегона ўтлардан тозаланди, кўп қаватли уйлар атрофлари ободонлаштирилди, дарахтлар охланди, чиқиндилар ташиб чиқиб кетилди.

Шунингдек, эҳтиёжманд оилалар ҳолидан хабар олиб, меҳр-мурувват кўрсатиш, уларга озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатиш каби савобли ишлар ҳам эътибордан четда қолмади.


Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бу сафарги тадбирда ёшлар фаолликни ўз қўлига олишиб, теварак-атроф тозалигига муносиб ҳисса қўшишди. Дуога қўл очган ёши улуғлар ҳам бу савобли ишга қўлидан келганча ҳисса қўшишди.

Шу куни кўплаб маҳаллаларда дошқозонларда ошлар дамланиб, ҳашарчиларни бир пиёла чойга таклиф этилди.

– Ҳашар ота-боболаримиздан қолган эзгу қадриятдир. Шундай экан, унга бугунги Янги Ўзбекистоннинг ҳар бир кишиси қалб амри билан киришиб, ўз тураржойлари ободлигига ҳисса қўшишди, – дейди “Эски қалъа” маҳалла фуқаролар йиғини раиси Н.Аҳмедова. – Бундай хайрли ташаббуслар ташкилотларда, умуман олганда, жамоатчилик орасида аҳиллик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, атроф-муҳитни янада обод қилиш, соғлом турмуш тарзини қарор топтиришда муҳим омил бўлмоқда.

Ҳа, туманимиз аҳли энг улуғ ва энг азиз байрамимизни ўз тураржойларини обод, саришта, кўркам қилиб кутиб олмоқдалар.

Ж. ХАРАСОВА.





Обод юртга уй-тўйлари ярашади

Пойтахтимизда, республикамизнинг бошқа ҳудудларида бўлгани каби туманимизда ҳам Янги Ўзбекистоннинг янги шаҳар ва қишлоқларини барпо этиш йўлида амалга оширилаётган ислоҳотлар янада жадаллашмоқда. Айни кунларда туманимизнинг қатор ҳудудларида тураржой массивларини қуриш борасидаги ишлар авж палласида.

Замонавий шаҳарсозлик анъаналари асосида қад ростлаётган янги массивларда аҳоли кундалик ҳаёт тарзи учун муҳим бўлган инфратузилма тармоқлари, дам олиш масканлари қуришга алоҳида эътибор берилмоқда.

Биргина туман марказини оладиган бўлсак, у янги замонага, янги Ўзбекистонга мос равишда ўзгаришга юз тутди. Йўл четларида қад ростлаган кўп қаватли уйлар оилаларнинг уй-жойга бўлган талабларини қондириш, шароитларини яхшилашга хизмат қилмоқда. 2025 йилгача 10 дан ошиқ кўп қаватли уйлар аҳолига топширилди, 1300 дан ортиқ квартиралар жойлаштирилди, юздан зиёд хонадонлар субсидияга берилди, фуқароларнинг 200 га яқини ипотека хизматларидан фойдаланди.

Бугун туман марказида бўлган киши 22 гектардан зиёд майдонни эгаллаган қурилиш объектининг 9 гектарида янгидан қад кўтарган кўп қаватли уйларнинг кўркини кўриб кўзи қувониши аниқ. Тураржойларда барча шароитлар яратилган, хонадонлар тоза ичимлик суви, сув оқава, табиий газ, электр тармоқларига уланган. Уйларнинг биринчи қавати тадбиркорларнинг бизнес лойиҳалари учун берилган. Сервис ва хизмат кўрсатиш шаҳобчалари ҳамда 25 ўринли нодавлат мактабгача таълим ташкилоти ўз фаолиятини бошлаган. Кўп қаватли уйлар атрофида туташ майдонлар кўкаламзорлаштирилган. Болалар майдончалари барпо этилиб, аҳолининг маданий ҳордиқ чиқариши учун ўриндиқлар, соябонлар ўрнатилган.

Айни кунларда “Ойбек” маҳалласи ҳудудида 10 қаватли 2 та тураржой бинолари қурилиши давом этмоқда. Йил охирига қадар 135 оила янги уйларга кўчиб киради.

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)



“Эшонгузар” маҳалласидаги 182 хонадонга мўлжалланган 10 қаватли 3 та бино сентябрь ойида эгаларига топшириш режалаштирилган. Мазкур маҳаллада қурилаётган 72 хонадонга мўлжалланган 1 та 12 қаватли бино эса 2026 йилнинг декабрида фойдаланишга топширилади.

Бундай янгиланишлар “Нурафшон” маҳалласини ҳам четлаб ўтмади. Бугун маҳаллада бўлган киши 16 қават қилиб қурилаётган 4 та бинога кўзи тушади. 178 хонадонга мўлжалланган бу бино 2026 йилнинг декабрида оилаларни ўз бағрига олади.

Амир Темур номли маҳалла ҳудудидаги яна бир бино ўтган-кетганнинг эътиборини тортади. Ҳудудда қурилаётган 480 хонадонга мўлжалланган 14 қаватли 3 та тураржой бинолари 2026 йилнинг баҳорида фойдаланишга топширилади.

Бундай ўзгаришлар “Эркин” маҳалласида ҳам бўй чўзди. Бу ерда 5 қаватли 2 та тураржой бинолари қурилмоқда. Келгуси йилнинг баҳорида бу уйларга эгалари кўчиб киришади. Маҳаллада яна 3 та 14 қаватли уй қурилаётган бўлиб, 252 хонадонга мўлжалланган бу уйлар 2027 йилнинг баҳорида фойдаланишга топширилади.

Бугунги кунда Аҳмад Яссавий номли маҳалла катта қурилиш майдонига айланган. Бу ерда чинакам массив барпо этилмоқда. Қурилаётган 2 та 3 қаватли, 1 та 8 қаватли, 1 та мансардали 7 қаватли, 1 та 12 қаватли тураржой бинолари жорий йилнинг декабрь ойида фойдаланишга топширилади. Мазкур 402 та хонадонда оилаларнинг яйраб яшашлари учун барча шароитлар яратилган.

“Боғзор” маҳалласида барпо этилаётган массив ҳам кишини ўзига жалб этмай қолмайди. Бу ерда 410 та хонадонга мўлжаллаб қурилаётган 8 та 5 қаватли тураржой бинолари жорий йилнинг охирида фойдаланишга топширилиши режалаштирилган.

“Сортепа” маҳалласидаги 3 та 9 қаватли, “Тарнов” маҳалласидаги 2 та 12 қаватли, “Найман” маҳалласидаги 7 та 9 қаватли, “Тўқимачи” маҳалласидаги 1 та 9 қаватли тураржой бинолари эса келгуси йилнинг август, ноябрь, декабрь ойларида фойдаланишга топширилади.

Бу эса 684 оилани уй билан таъминлаш имконини яратади.

“Навқирон” маҳалласи ҳам ўз номига мос навқиронлик касб этиб, аҳолининг тураржойлари қаторидан янги кўп қаватли бинолар муносиб ўрин эгалламоқда. Маҳаллада 1089 хонадонли 15 та кўп қаватли уй қурилиши режалаштирилган бўлиб, бугунги кунга келиб қурилиши тугалланаяпти. Бугун йирик мажмуага айланган манзилдаги уйларнинг биринчи қаватида юзга яқин хизмат кўрсатиш шахобчалари фаолият юритаяпти. Бу эса 150 нафардан зиёд фуқаронинг доимий бандлигини таъминлади.

Ўзига хос дизайн-лойиҳа асосида қурилган уйларнинг олди, туташ майдонлари, кириш йўлакларига миллий анъаналарга мос соябонли ўриндиқлар ўрнатилган. Бўш ер майдонларида яшил ҳудудлар барпо қилинган, мевали ва манзарали дарахт кўчатлари экилган. Мажмуадаги катта-кичик иншоотлар лойиҳаси бир-бири билан уйғунлашган миллий ва замонавий меъморчилик услубида қурилганлиги билан ҳам аҳамиятлидир. Ташқи ёритиш тизими, фавворалар, болалар майдончалари, мини футбол ўйингоҳлари, хизмат кўрсатиш шаҳобчалари мажмуага алоҳида салобат ва кўрк бағишлаб турибди.

Бошқарув сервис компанияси “Менинг уйим” дастурига уланган. Фаолиятини фойдаланишга топширилган 418 хонадонга хизмат кўрсатиш билан бошлаган.

Ҳудудда қурилаётган 1 та 7 қаватли ва 5 та 9 қаватли уйлар ҳам йил охирида эгаларига топширилади. Шундай қилиб 480 та оила янги уйли бўлади.

Хуллас, бугунги кунда туманда қурилишлар кўлами кенг. Жорий йилда янгидан қурилган 24-умумтаълим мактаби ўқувчиларни ўз бағрига олди. 10 дан зиёд давлат ва нодавлат Мактабгача таълим ташкилотлари фойдаланишга топширилди. “Амир Темур”, “Файз”, “Бўстон”, “Чорбоғ”, “Асил”, “Ўрикзор” маҳаллалари идоралари янгитдан қурилди, “Кенг кечик”, “Гулзор”,”Гулбоғ” маҳаллалари таъмирланди. Янги микро ГЭС қуриб ишга туширилди.

Амалга оширилаётган бундай ислоҳотлар аҳоли манфаатларига хизмат қилади. Ҳа, обод юртга уй тўйлари ярашади.

Жамила АРСЛОНОВА.

► *Саховат*

“ИБРАТ”НИНГ ИБРАТЛИ ИШИ

Байрам арафасида “Ибрат” маҳалла фуқаролар йиғини фаоллари ташаббуси билан катта байрам тадбири ташкил этилди. Маҳалла аҳли тўкин дастурхон атрофида дийдорлашиб, бугунги фаровон ҳаётимиз учун шукроналар айтишди.







Шу куни меҳр-оқибат, саховат, инсонпарварлик туйғулари ҳам кенг қулоч ёйиб, кам таъминланган оилалар 8 нафар фарзандларининг суннат тўйлари катта тантана билан ўтказилди. Маҳалла фаоллари томонидан улашилган совғалар болажонларнинг қувончини янада оширди.

Нуроний отахон ва онахонлар дуога қўл очишиб, юртга тинчлик, хотиржамлик, ободлик тиладилар.

Ўз мухбиримиз.

ИНСОН МАТОНАТИ

Мустақиллигимизнинг 34 йиллиги байрами арафасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистонда илм-фан, адабиёт, маданият ва санъат соҳаларини ривожлантиришга улкан ҳисса қўшган бир гуруҳ марҳум олим ва ижодкорларни мукофотлаш тўғрисида”ги Фармони эълон қилинди. “Фидокорона хизматлари учун” ордени билан мукофотланганлар орасида туманимизнинг Зангиота қишлоғида яшаб, ижод қилиб ўтган ёзувчи Вали Ғафуров, назарбеклик хонанда Муҳриддин Ҳолиқовнинг ҳам борлиги туманимиз аҳлини ниҳоятда тўлқинлантириб юборди.

Байрам арафасида бир гуруҳ марҳум олим ва ижодкорларнинг бир пайтлардаги фидокорона хизматлари бугун давлатимиз томонидан алоҳида эътироф этилиб, тақдирланганлиги бутун Ўзбекистон халқини ниҳоятда қувонтирди. “Фидокорона хизматлари учун” ордени била мукофотланганлар орасида тумандошимиз, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими, адиб Вали Ғафуров ҳам бор.

Бу хушхабар Вали Ғафуровни таниганларнинг юрагини тўлқинлантириб юборган бўлиши шубҳасиз. Чунки адиб бундай юксак эътирофга лойиқ инсон эди.

Вали Ғафуровнинг “Вафодор” асарини ўқиб, бу романни игна билан (брайл усулида) ёзганлиги ҳақида маълумотга эга бўлиб, қойил қолганман ва адиб билан учрашишни орзу қилиб юрардим. Ниҳоят, ўтган асрнинг 70 йиллари охирида бир тадбирда учрашиб, суҳбатлашиб қолдим.

У жуда содда, оддий, самимий инсон эди. Кўзлари кўрмаса ҳам одамларга қўлидан келган ёрдамни бериш учун доимо бирга ёнма-ён юрадиган дўсти Мели Муҳаммедов ҳамроҳлигида ҳаттоки энг юқори идораларга ҳам боришдан эринмасди. Қойил қоладиган жойи шундаки, Вали Ғафуров ўзи таниган одамларнинг, гарчанд улар ўзларини танитмасалар ҳам, қадам товушидан кимлигини биларди.

Вали Ғафуровнинг умри осон кечмаган, у ғоятда машаққатли ҳаёт йўлини босиб ўтди. Лекин у тақдиридан нолимади, ҳаётнинг машаққатли ва синовли йўлларини сабр ва бардош билан босиб ўтди.

Вали Ғафуров 1922 йилда ҳозирги Зангиота қишлоғида туғилган. Ота-онасининг 9 нафар фарзандли (5 ўғил ва 4 қиз) болажон оиласида Валижон ака олтинчи фарзанд бўлган.



Наинки Зангиота қишлоғидагилар, балки бутун республикадаги одамларнинг кўпчилиги ўзининг “Вафодор” романи, “Сўнгги пушаймон”, “Ботирга ўлим йўқ” каби қиссалари, “Шохлардаги мезонлар” каби мемуар ва ўнлаб ажойиб ҳикояларини яратган Вали Ғафуровнинг номини яхши билишади.

Вали Ғафуров Тошкент Давлат дорилфунунида таҳсил олди, Самарқанд вилоят мактабларида ўқитувчилик қилди. 19 ёшга етар-етмас Иккинчи жаҳон уруши бошланиб, у фронтга кетди. Сталинград остоналарида мардлик, қаҳрамонлик намуналарини кўрсатди. Навбатдаги разведка вақтида бир йўла икки кўзидан ажралди, бир оёғи ногирон бўлиб қолди.

Жангдан қайтгач тириш-қоқлиги, меҳнатсеварлиги ва яхши одамлар кўмагида браил-игна билан ёзиш, ўқиш усулини тезда ўзлаштириб олди. Ўқитувчилик қилди, кўзи ожизларга раҳбарлик қилди. Ва ниҳоят, 60 йиллар бошларига келиб унинг игна билан ёзилган “Вафодор” романининг биринчи китоби нашр этилди.

1973 йилда “Вафодор” романининг иккинчи китоби чоп этилди. Асар китобхон ва адабий жамоатчилик томонидан илиқ кутиб олинди, рус ва қардош тилларга таржима бўлди. Романда ёзувчининг шахсий ҳаёти, тақдири орқали халқимизга хос метин-мустаҳкам ирода, қаҳрамонлик, биродарлик туйғулари улуғланди.

Вали Ғафуров ўз даврида давлат раҳбари бўлган Шароф Рашидов билан суҳбатлашган ва Зангиота қишлоғига биринчилардан бўлиб табиий газ кириб келишига ўз ҳиссасини қўшган инсон ҳисобланади.

Вали ака 8 нафар фарзанднинг отаси бўлиб, 5 нафар ўғил ва 3 нафар қизлардан иборат катта оиласи ўзаро аҳил, болалари ҳам отасига жуда меҳрибон ва оқибатли бўлган.

Вали Ғафуров 1970 йилда СССР Ёзувчилар уюшмаси аъзолигига қабул қилинди. 1973 йили "Меҳнат Қизил байроқ" ордени соҳиби бўлди. 1985 йилда Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими унвони билан тақдирланди.

Адиб 1995 йилнинг 5 августида вафот этди. Ундан инсон матонати ҳақидаги ибратли ҳаёт дарси, бир қатор бадиий асарлар мерос бўлиб қолди.

Жамила АМИР қизи.

БУ ИСМ ҚАЛБЛАРДА МАНГУ ЖАРАНГЛАЙДИ



Ўз даврида ўзининг хушовози билан минг-минглаб санъат шинавандаларининг қалбига кириб борган, ҳали ҳам қўшиқлари замондошларимизнинг юрагини сел қиладиган маҳалладошимиз Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист, хонанда Муҳриддин Ҳолиқовнинг “Фидокорона хизматлари учун” ордени билан мукофотланганлиги барчамизда фахр туйғуларини уйғотди.

Бу хушхабар наинки маҳалламиз, туманимиз, балки республикамизнинг барча санъатсевар аҳлини қувонтириб юборган бўлса ажабмас. Негаки, бетакрор овоз соҳиби, камтарин инсон, жонкуяр устоз бўлган Муҳриддин Ҳолиқов наинки ўзининг ўлмас қўшиқлари, балки бугунги кунда Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон Халқ артисти деган юксан унвонга сазовор бўлган Озодбек Назарбековдек шогирдни етиштириб чиқаргани билан ҳам маълум-у машҳур.

Ўз қўшиқлари билан одамлар юрагига кириб борган санъаткор Муҳриддин Ҳолиқов қисқа умр кўрса ҳам, қўшиқлари билан ҳамон тингловчилар ва мухлислар ёдида яшамоқда. Унинг қўшиқлари ҳанузгача шогирдлари томонидан куйланади, номи эса, барча томонидан чексиз ҳурмат билан тилга олинади.

– Муҳриддин ака Холиқовдан устоз сифатида жуда ҳам кўп нарса ўрганганман, – дейди Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон Халқ артисти Озодбек Назарбеков, –шогирдларга жуда ҳам қаттиққўл бўлганлар. Ҳаттоки, бирор нотўғри иш қиладиган бўлсак, қаттиқ танбеҳ берар эдилар. Лекин, қаттиққўллик ҳар доим ижобий натижа беради. Шу даражага эришишимда, яхши санъаткор бўлишимда ҳиссалари катта, деб ўйлайман. Бағрикенг инсон эдилар, бирор жойда бирор ёш санъаткорни яхши қўшиқ куйлаганини эшитиб қолсалар, ҳеч эринмай, уни топиб табриклаб, телефон қилиб табриклаганларини ҳам кўрганман. “Қўшиғингни эшитдим, ҳаракат қил, бўшашма! Ёрдам керак бўлса, айтгин” деб, қўллаб-қувватлардилар. Ёшларга муносабатлари шундай эди. Яхши инсон эдилар.

Биз маҳалла аҳли ҳам Муҳриддин Ҳолиқовнинг ана шундай фазилатларини жуда яхши билар ва ниҳоятда қадрлардик. Афсуски, бевақт ўлим уни орамиздан эрта олиб кетди.

Мустақиллигимизнинг 34 йиллиги арафасида бир қатор ижодкорлар қатори Муҳриддин Ҳолиқовнинг ҳам тақдирланганлиги бизни ниҳоятда қувонтириб юборди.

Куни кеча Муҳриддин Ҳолиқовнинг хонадонига сенатор, давлат хизматчилари ташриф буюришиб, унинг аёли Гулсара Қаюмовага бу юксак унвонни топширишди.

Азиза ҒИЁСОВА,
М.М.Хоразмий номли маҳалла фуқаролар йиғини раиси.

ИСТИҚЛОЛ БЕРГАН ИМКОНИЯТЛАР

► *Дил сўзи*



Мен “Истиқлол” маҳалласи ёшлар етакчиси сифатида 5 йилдан буён фаолият олиб бормоқдаман. Маҳалламиздаги ҳар бир йўналишда ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг қобилияти ва иқтидорини рўёбга чиқариш, янги имкониятлар эшигини очиш – менинг асосий мақсадларимдан биридир.

Фаолиятим давомида жамиятимизда амалга оширилаётган ислоҳотларни теран англаб, ёшларнинг фаоллигини оширишга, уларни турли соҳаларга қизиқтиришга қаратилган бир қатор ташаббусларни амалга оширдик. Жумладан, 2023 йилда ҳомийлар кўмагида маҳалла ҳудудида кутубхона ташкил этдик. “Ibrat Academy”, “Mutolaa”, “Uzchess”, “Qizlar akademiyasi” ва “Ustoz AI” каби лойиҳалар орқали юзлаб ёшлар янги билим ва сертификатларга эга бўлдилар. Бугунги кунда маҳалламиз вилоят бўйича энг кўп фойдаланувчига эга маҳаллалардан бири сифатида танилмоқда. Шунингдек, 2023 йилда “Энг намунали маҳалла ёшлар етакчиси” танловида 3-ўринни, “Энг фаол маҳалла етакчиси” номинациясида ғолибликни қўлга киритдим. 2025 йилда ёшларимизни шахмат мусобақалари ва “Ёшлар овози” кўрик-танловида иштирок эттириб, вилоят миқёсида фахрли ўринларни қўлга киритишга муяссар бўлдик.

Менинг ҳаёт шиорим – “Ёшлар – келажагимиз пойдевори”. Шу сабабли ҳар бир ташаббусимда ёшларнинг манфаати, уларнинг замонавий билим ва кўникмаларга эга бўлишлари устувор аҳамият касб этади. Янги ғояларни илгари суриш, уларни амалда қўллаш ва ёшларимизнинг ҳаётини янада фаровон қилиш – бу мен учун иш эмас, балки ҳаётий бурчдир.

Мустақиллик – менинг ҳаётимда, меҳнат фаолиятимда ва оиламда энг катта бойликдир. Чунки мустақил Ватаним туфайли мен ўз салоҳиятимни юртим ва ёшлар манфаатига йўналтира олмоқдаман.

Шу фурсатдан фойдаланиб, сизларни буюк байрам – Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги билан чин қалбимдан муборакбод этаман!

Фарангиз ЖЎРАБОЕВА,
“Истиқлол” маҳалла фуқаролар йиғини ёшлар етакчиси.

► *Шукроналик*

Ҳар йили Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллиги куни яқинлашган сари яратганган минг карра шукроналар келтираман. Сабаби, ҳеч қандай урушларсиз, қўзғалонларсиз, давлат тўнтаришларисиз эришилган ушбу мустақиллик кўзимизга суртиб авайлашимизга минг карра лойиқдир. Албатта, ички низолар, ғаламис тўдаларнинг турли хилдаги ғаразликлари бўлган, лекин бизнинг қонида донолик, донишмандлик бўлган ўзбек халқимиз ушбу ғаразликларнинг ҳеч бирига учмасдан қулоч очиб мустақилликни кутиб олди.

ЎЗ ЮРТИНГДА ЯЙРАБ ЯШАШ БАХТИ

Мустақил бўлиш, ўзи туғилиб ўсган ватанида яйраб – яшнаб яшаш, бир бурда нонини тинчлик билан ейиш, бу нақадар бахт эканлигини тушуниш унчалик ҳам қийин эмас. Айниқса ҳозирги атрофимиздаги давлатларда юз бераётган турли хилдаги урушларнинг хабари келиб турган вақтда. Кимдир бир бурда нон учун, кимдир бир қарич ер учун, яна кимдир ўзи билмаган, англамаган сабаблар учун, агар сабаби бўлса албатта, урушга тик кириб бормоқда. Бир маротаба бериладиган бу ҳаёт, биргина дайди ўқнинг зарби билан тугаши мумкинлигини ёки билишмайди, ёки билиб туриб атай қилишади.

Мен бунинг номини “тўқликка – шўхлик” деб атаган бўлардим. Ёки... билмадим, қандай аташни ҳам билмайсан киши.

Ҳозирги 50 ёшдан ошган ватандошларимиз яхши эслашади, Мустақилликка эришгунимизга қадар ҳаёт тарзимиз қай даражада бўлганлигини.

Келинг, бир ёдга олиб кўрайлик. Дастурхонда нон ва шакар, нари борса қишлоқ жойларда сут ва қаймоқ бўларди. Тасаввур қилиб кўринг-а. Бугун сизнинг дастурхонингизда нималар бор? Фарзандингиз, набирангиз нимани сўраса шуни олиб беришга қурбингиз ҳам етади, ҳамёнингиз ҳам кўтаради.

Ўша пайтларда қаерга қарама пахта ёки сабзавот даласи, кетмон кўтарган деҳқон, унинг кетидан ялангоёқ югурган болага кўзингиз тушарди. Дала шийпонларидаги дарахтга осилган беланчак, шийпондаги бешик, боласига вақт ажрата олмаган она. Нимадандир умид қилиб, нимагадир интилиб тинимсиз меҳнат ортидан эрта қариб қолган, эрта касалликка чалинган бобо ва бувилар. Суратлардаги ўша даврни бободеҳқони неча ёшда бўлган деб ўйлайсиз? Албатта нари борса 50 ёшда, кексаликни бўйнига олган бободеҳқон...



Яхши эслайман, кўчада эшак аравада болалар учун лойдан ясаб, устига ранг берилган, узоғи билан уч - тўрт пуфлаганингизда лойи чиқиб кетадиган хуштак сотадиган амакилар бўларди, лимонад шишаларига битта хуштак ёки битта бодроқ, ёки бир соатга ҳам бормасдан узилиб кетадиган, ялтироқ зарқоғоздан ўраб устига резинка ўралган копток.

Эртакка ўхшайди, шундай эмасми?

Бугун қаерга қарасангиз дарахтзор, боғ-роғлар, сўлим гўшалар. Турли хилдаги дўконлар, болалар учун ўйинчоқлар дўкони, ширинликлар дўкони, гўшт маҳсулотлари, кийим-кечаклар, хўжалик моллари, озиқ – овқатлар, эҳ-эй буларни санаб охирига етиб бўлмайди.

Бугунги куннинг 50 ёшдаги кишиси, ватандошимизнинг кўриниши айни қирчиллама ёшдагига ўхшайди, таққослаш қийин эмас, тўғрими?

Ўзбекистоннинг қай гўшасига борсангиз, турли маҳсулотлар билан тўла дўконлар... Бозорларда эса нимани, йилнинг қайси фаслида қидирсангиз ўшани топа оласиз, ҳаттоки уйингизга ҳам элтиб берамиз, дейдиганлар кўпайиб бормоқда. Кўнглимиз нимани тусаса, ўшани қилар даражага етиб келдик, минг карра шукр.

Ҳар бир хонадонда камида биттадан телевизор, биттадан машина, ҳар биримизнинг қўлимизда сўнгги русумдаги уяли алоқа воситаси, ҳаттоки мактаб ўқувчисида ҳам, музлаткичсиз хонадон йўқ. Яна музлаткичимиз бўшаб қолди деб нолиб ҳам қўямиз. Бунга ким сабабчи? Ўзимизнинг дангасалигимиз, боқиманда бўлиб қолаётганлигимиз, тўқликка шўхлик қилаётганлигимиз эмасми?

Эрталаб туриб бугун болаларимга нима бераман, қорнини қандай қилиб тўйғизсам экан, деган ғамташвиш йўқ. Кўнглимиз тусаганда дам олиш, саёҳатга бориш, зиёратга бориш учун барча имкониятлар мавжуд. Буларни кўра билиш, қадрига етиш ва дангасалик, боқимандаликни бир чеккага суриб қўйиб, тинимсиз меҳнат қилиш керак холос.

Шу бир кафт тупроқнинг қадрига етиб, уни асраб-авайлаб, мустақиллигимизни мустаҳкамлаб яшаш ҳар биримизнинг бурчимиз, ёдимиздан кўтарилмайдиган асосий вазифамизга айланиши лозим.

Бугунги мустақил, ёруғ ва фаровон кунларимизнинг келишини истаб, ўз жонини хатарга қўйиб, ватан учун, миллат учун, халқ учун яшаб ўтган ватандошларимиз ҳаққи-ҳурмати, кечаги кунга яна қайтиб тушиб қолмаслигимиз учун, кимгадир тобе бўлиб яшамаслигимиз учун, шу бир кафт тупроқни азиз билиб, уни эъзозлаб, авайлаб, кўзимизга суртиб яшашимиз керак эмасми?

Азиз ватандошим, бугун сизнинг тарбиянгизни олиб, хонадонингизда эмин-эркин улғаяётган, яратиб қўйилган барча шароитлардан тўлиқ фойдаланиб катта бўлаётган фарзандингиз, набирангиз эртага кимнингдир қўлига мўлтираб қолишини истамасангиз, кўзингизни каттароқ очинг.

Бугун ҳаммамиз ҳушёр ва уйғоқ бўлишимиз лозим, ҳеч биримизни масъулиятсиз, бефарқ, дангаса, боқиманда бўлишга ҳаққимиз йўқ. Қайсидир ёвуз кучлар болаларимизнинг мустақиллигини тортиб олишига йўл қўймаслигимиз зарур ва бу бизнинг ёдимиздан бир зум ҳам кўтарилмайдиган муқаддас бурчимиз бўлиши керак.

Қадрдон ватандошим, “Ватан учун, миллат учун, халқ учун!” деган бош ғоя остида нишонланадиган Ўзбекистон Республикаси давлат Мустақиллигининг ўттиз тўрт йиллиги тобора яқинлашмоқда. Бу улуғ санани тураражойларимизни обод қилган ҳолда, меҳнатда катта ютуқларга эришган ҳолда кутиб олайлик.

Насиба УБАЙДУЛЛАЕВА,
Республика Маънавият ва маърифат маркази Зангиота туман бўлинмаси бош мутахассиси.

► *Мутахассислар огоҳлантиради*

Комсток қурти

Комсток қурти қишлоқ хўжалиги экинларининг ўта хавфли зараркунандаси бўлиб, ёввойи ва маданий ўсимликларнинг 300 хил турини зарарлайди.

Юртимизда комсток қурти асосан тут, анор ва беҳига зарар етказади.

Комсток қурти ҳар қандай дарахтда учраши, жуда кўп уруғли бўлганлиги ва табиатда тез тарқалиши сабабли унга қарши курашиш бирмунча қийин. У ёз мобайнида кўп микдорда кўпайиб, ҳудуд бўйлаб асосан кўчатлар, мева-сабзавотлар орқали жуда тез тарқалади. Анорнинг косачаси комсток қурти ва унинг тухумини яхши ҳимоя қилади.



Комсток қурти билан зарарланган ўсимликлар йўқотилади, дарахт баргларини тўплаб новдалари ва шохларини кесиб олиб кўмиб ташланади ёки ёқиб юборилади. Зараркунанданинг кучли тарқалиши ва ривожланиши хавфи бўлган жойларга чидамли навларни экиш тавсия этилади. Ўсимлик кўчатларини экишдан олдин ерни минерал ўғитлар билан бойитиш ва агротехник қоидаларга риоя қилган ҳолда тайёрлаш зарур.

Комсток қуртига қарши Псевдафикус (Pseudaphycus malinus) энтомофагини қўллаш ҳамда уни биолаборатория шароитида кўпайтириш муҳим аҳамиятга эга.

Б.БАРАТОВ,
М.ЖОНҚОБИЛОВ,
Тошкент вилояти ўсимликлар карантини ва ҳимояси бошқармаси “Назарбек” ТИФ маскани инспекторлари.

Цитрус экинлар зарарланганда

Цитрус экинларининг барг, новда ва мевалари зарарланади. Баргларнинг ҳар икки томонида яққол кўринувчи олдин оч-жигарранг, кейин кулранг тусли, думалоқ шаклли доғлар пайдо бўлади.

Нам об-ҳавода баргнинг устки томонидаги доғларда, концентрик доиралар шаклида, қора тусли нуқталар – замбуруғнинг конидиофора ва конидияларидан ташкил топган ёстиқчалар ривожланади. Новда учлари олдин жигарранг, кейин оч-сариқ тус олади ва қуриб қолади. Меваларнинг қобиғи, кўпинча мева бандлари бўлган жойлардан бошлаб, тўққўнғир доғлар билан қопланади. Доғлар ўсади, бироз ботиқ шакл олади, улар остидаги тўқима юмшайди, буришиб қолади. Нам об-ҳавода новда ва меваларда ҳам ёстиқчалар ҳосил бўлади. Чириш мева ичига секин тарқалади. Экин ичида қўзғатувчи ёмғир ва шамол воситасида конидиялари билан тарқалади. Қишда ҳарорат кескин ўзгариб туриши, экинга элементлар баланси (меъёрлари) сақланмаган ўғит бериш ва бошқа ўсимликни заифлаштирувчи факторлар касаллик кучайишига олиб келади.

М.АБЗАЛОВ,
Э.БОЙҚОБИЛОВ,
Ўсимликлар карантини ва ҳимояси “Навоий” ЎКЧМ инспекторлари.

► *Балли!*

ЮРТИМИЗ ЁШЛАРИ ГИННЕС РЕКОРДИНИ ЯНГИЛАДИ

Уларнинг орасида тумандошларимиз ҳам бор. Дунё бўйлаб энг ноодатий, энг ажойиб ва энг сара ютуқлар қайд этиладиган “Гиннес рекордлари китоби” инсоният тараққиётининг ўзига хос кўзгусидир. Унда келтирилган рекордлар нафақат инсоннинг жисмоний имкониятларини, балки унинг интеллектуал салоҳиятини ҳам намоён этади. Бу сафар мазкур нуфузли китоб саҳифаларига Ўзбекистон ёшлари номи яна бир бор фахр билан ёзилди.

Жорий йилнинг августида Тошкент шаҳридаги Янги Ўзбекистон боғида тарихий воқеа юз берди. Турли ҳудудлардан келган 1946 нафар ёш муҳандис бир вақтнинг ўзида кичик роботларни йиғиш бўйича Гиннес рекордини янгилади. Шу тариқа, Ўзбекистон ёшлари томонидан 1946 та робот йиғилди ва бу натижа дунё рекордини янгилади.Аввалги рекорд Ҳиндистонга тегишли бўлиб, у ерда бир вақтнинг ўзида 1456 та робот йиғилган эди. Эндиликда эса ушбу ютуқ Ўзбекистон ёшларига насиб этди. Тадбирга Гиннес рекордлари китоби бош ҳаками Карл Пери Севилл ташриф буюриб, натижани расмий равишда қайд этди.

Бу улкан байрамда нафақат пойтахт ёшлари, балки республиканинг турли вилоятларидан келган минглаб ўқувчилар, талабалар ҳам иштирок этдилар. Рекорд ўрнатганлар орасида Зангиота тумани ихтисослаштирилган мактабининг икки нафар ўқувчиси ҳам бор эди. Улар – 15 ёшли Нажмиддин Алоҳиддинов ва 13 ёшли Абдулазиз Собиржоновдир.

Нажмиддин Алоҳиддинов – 9-синф ўқувчиси бўлиб, болалигидан турли техник қурилмаларга қизиқиб келади. Онасининг айтишича, Нажмиддин кичкиналигидан турли қутилардан техник ўйинчоқлар ясаб, ўз ихтироларини синаб кўрар экан. Бугунги кунда у нафақат робототехника билан шуғулланмоқда, балки математика ва инглиз тили фанларини ҳам қизиқиб ўрганмоқда. Ментал арифметика бўйича бир неча йилдан бери тўгаракларга қатнашиб келаётган Нажмиддин мантиқий фикрлашини янада мустаҳкамлаб бормоқда.

Устозлари Марҳабо Ибрагимова ва Фаёз Тўйчиевлар ёрдамида Нажмиддин робототехника оламига қадам қўйди. Ҳозирда у вилоят ва туман миқёсидаги кўплаб мусобақаларда фахрли ўринларни эгаллаб келмоқда. Келажакда эса робототехника йўналиши бўйича университетга кириб, айнан шу соҳада етук мутахассис бўлишни орзу қилади.



Иккинчи қаҳрамонимиз – Абдулазиз Собиржонов. 13 ёшли бу иқтидорли ўқувчи робототехникага қизиқиши билан кўплаб тенгдошларидан ажралиб туради. Абдулазиз 2023 йилда робототехника бўйича мусобақада 1-ўрин, 2024 йилда туман босқичида 4-ўрин, 2025 йил 18-январда эса 3-ўринни қўлга киритган.

– Бир куни Гиннес рекордини янгилашда иштирок этаман, деб ҳеч қачон ўйламаган эдим. Илгари фақат телевизор орқали кўрган Гиннес рекордлари китоби консультанти доктор Карл Севилни ўз кўзим билан кўрдим. Бу мен учун унутиб бўлмас воқеа бўлди, – дейди Абдулазиз.

Бугун инсоният ҳаётини технологиясиз тасаввур этиб бўлмайди. Техника тараққий этгани сари, одамлар мураккаб вазифаларни бажаришда турли роботлар ва дастурлар ёрдамидан кенг фойдаланмоқда.

Ўзбекистонда ҳам робототехникага қизиқаётган ёшлар сони тобора ортиб бормоқда. Мактабларда замонавий лабораториялар ташкил қилинаётгани, турли фан тўгараклари йўлга қўйилаётгани ёшларнинг истеъдодини юзага чиқаришга хизмат қилмоқда. Туманимиз ўқувчиларининг ҳам бу жараёнда фаол иштирок этаётгани – қувонарли ҳол.

Ўзбекистон ёшлари ўз билим ва интеллектуал салоҳияти билан дунё миқёсида эътироф этилмоқда. Янги Ўзбекистон боғида ўтказилган Гиннес рекорди тадбири эса бунинг яққол исботи бўлди. Бир вақтнинг ўзида 1946 та робот йиғилиши нафақат рекорд, балки ёшларимизнинг илмга, технологияга бўлган чексиз қизиқишининг ёрқин далилидир. Бу ютуқ шундан далолат берадики, Ўзбекистон ёшлари глобал саҳнада ўз ўрнини топмоқда. Нажмиддин ва Абдулазиз каби иқтидорли ўқувчилар келажакда нафақат юртимиз, балки бутун дунё илм-фан тараққиётига муносиб ҳисса қўшишига ишончимиз комил.

Ирода АБДАЗИМОВА.

► *Паркентда “узум сайли” халқаро фестивали*

Ер узум, осмон узум...

Паркентда ҳар йили ўтказиладиган узум сайлига бормаганлар армон қилиши аниқ. Чунки у ердаги тароват, гўзалликни бошқа ҳеч қаердан излаб тополмайсиз. Турли навдаги товланиб турган узумлар хаёлингизни ўғирлайди, дилингиздан беихтиёр Ўзбекистон Халқ шоири Эркин Воҳидовнинг “Узум” деб номланган шеъри ўтади:

Токи ишком мисли осмон,
Ҳар тараф юлдуз сочур.
Воҳ ажаб, бу не синоат,
Ер узум, осмон узум...







22-23 август кунлари сўлим Заркент қишлоғининг бетакрор манзараларига қўшимча бўлган “узум сайли” бу ернинг тароватини янада оширди. Мазкур фестивални ўтказишдан мақсад мамлакатимиз туризм салоҳиятини намойиш этиш, узум брендининг жаҳон бозорида муносиб ўринга эга бўлишини таъминлаш, узумчилик ва виночилик тажрибаси ҳамда боғдорчилик маҳсулотларининг ноёб тур ва навларини кенг оммалаштиришдир. Маълумки, Ўзбекистонда 28дан ортиқ хўраки ва винобоп узум нави етиштирилса, шундан 13 таси Тошкент вилоятида етиштирилмоқда. Паркент узумлари дунёнинг 30 мамлакатига экспорт қилинади. Халқаро фестивалда Ўзбекистондек серқуёш диёрда етиштирилаётган болдек ширин узумлар намойиши барчада катта қизиқиш уйғотди.

Фестивалда республиканинг турли вилоятларидан узум етиштирувчи моҳир фермер хўжаликлари ҳамда Тошкент вилоятининг барча туман ва шаҳарларидан вакиллар иштирок этишди.

Эътиборли жиҳати шундаки, фестивалга 2024 йилда 460 мингдан ортиқ маҳаллий ва хорижий сайёҳ ташриф буюрган, жорий йилда эса улар сони 500 мингга етди. Улар орасида Италия, Сербия, Россия, Жанубий Корея, Сингапур, Беларусь, Грузия, Озарбайжон Германия, Туркия, Франция каби 30дан ортиқ давлатлардан келган мутахассис, тадбиркорлар бор. Улар билан узум, унинг кўчати, майиз ва шинни бўйича шартномалар имзоланди.

Фестиваль доирасида қишлоқ хўжалиги ярмаркалари, вино саноатининг халқаро бренд компаниялари кўргазмалари, узумчилик йўналишидаги халқаро конференция ва анжуманлар ташкил этилди. “Узум сайли”нинг маданий қисмида эса миллий фольклор жамоалари, эстрада санъаткорлари чиқишлари, номинациялар бўйича республика кўрик-танловлари, ҳунармандчилик маҳсулотлари, миллий таомлар ва либослар ҳамда халқ урф-одатлари ва анъаналарини акс эттирувчи кўргазмалари ўтказилди.

Фестивалда туманимиз вакиллари ҳам иштирок этишиб, туманимизда етиштирилаётган узумларни “кўз-кўз” қилишди. Туман маданият бўлими санъаткорлари томонидан ижро этилган қўшиқлар, болажонларнинг ўзига хос чиқишлари, энг асосийси, бетакрор кўргазма “узум сайли” иштирокчиларини ўзига жалб этди.

Икки кун давом этган “узум сайли” барчада ёрқин таассуротлар қолдирди. Энди улар келгуси йилдаги узум фестивалини ҳам соғиниб кутишлари аниқ.

Жамила АРСЛОНОВА.

► *Томорқам – хазинам*

МЕҲНАТИДАН БАРАКА ТОПАЁТГАНЛАР

“Навқирон” маҳалласига қадам қўйган ҳар қандай меҳмоннинг эътиборини, аввало, бу ердаги одамлардаги самимийлиги, меҳнатсеварлиги, тураржойларининг тозалиги тортади.



Ана шундай меҳнаткаш оилалар ҳақида сўз кетганда, биринчи навбатда Ҳошимовлар оиласининг тилга олиниши бежиз эмас. Бу хонадон бугунги кунда нафақат маҳалладошлари, балки туманда ўзининг кўчатчилиги билан танилган.

Ҳошимовлар ҳовлисига кириб борганимизда, бу ердаги файз эътиборимизни ўзига тортди. Ҳовли икки қисмга бўлинган. Олд томонда мўъжазгина яшил боғ, гулзор ва чиройли супа бор. Бу ерда оиланинг дуогўйи Муҳтабар буви ўз келинлари билан чой дамлаб, суҳбат қуриб ўтирар, ҳар бир келган меҳмонни хушкайфиятда қарши олар экан.

Ҳовлининг орқа қисмида эса мутлақо бошқа манзара – саккиз сотихли замонавий иссиқхонада иш авжида. Ҳамидулла ака ва ўғиллари уруғ сепиб, кўчатларни парваришлаб, меҳнат қилишаяпти.

Иссиқхонада меҳнат мавсуми одатда сентябрь ойидан май ойигача давом этади. Шу муддат оралиғида Ҳошимовлар оиласи деҳқонлар бюртмасига кўра турли хил кўчатларни тайёрлайди. Тажрибали деҳқон Ҳамидулла аканинг айтишича, бодринг уруғи 12 кунда, помидор ва карам 40 кунда, булғор қалампири эса 100 кунда тайёр кўчат даражасигача етади. Кўчатлар далага ўтказилгандан сўнг ўз вақтида парвариш қилинса, ҳосил узоқ куттирмайди: бодринг ўртача 20 кунда, булғор қалампири эса 60 кунда дастлабки меваларини бера бошлайди.

Ҳошимовларнинг иссиқхонасида етиштирилаётган кўчатлар энг серҳосил навлардан



ҳисобланади. Шу боис уларга бўлган талаб катта: нафақат туманнинг ўзидан, балки қўшни вилоятлардан, ҳатто узоқ водийлардан ҳам харидорлар келиб, кўчат олиб кетишади.

Иссиқхонанинг ҳозирги даражага етиб келишида Муҳтабар бувининг меҳнати катта. У болалигидан деҳқончиликка меҳр қўйди, ўзининг ибратли ҳаёти билан бошқаларга ўрнак бўлди. Муҳтабар буви ўз ҳикматли сўзлари, ибратли ҳаёти ва меҳри билан ҳам маҳалладошлари, ҳам фарзандлари учун чинакам ибрат мактаби ҳисобланади.

– Ҳар куни китоб мутолаа қиламан, дейди Муҳтабар буви кулимсираб. – Китоб – менинг энг яхши дўстим. Ёшлигимда иссиқхонада ишлаганман, ошпазлик ҳам қилардим. Ҳозир ҳам маҳаллада ошпазлик қобилиятимни эслаб, мени тез-тез чақиришади. Айниқса, Қатортолнинг махсус таоми — “Қайлапалов”ни тайёрлашни мендан сўрашади.

Бу хонадонда бўш ўтирган одамни учратмайсиз. Улар жўшқин меҳнат ичида, ҳаракатда. Чунки улар деҳқончилик сабр-тоқат талаб этишини яхши билишади. Ерга уруғ сочишнинг ўзи кифоя эмас, уни парвариш қилиш, ўғитлаш, суғориш, касалликларга қарши курашиш керак. Ҳар бир ишнинг ўз илми, ўз сир-асрори мавжуд. Ҳошимовлар хонадони 25 йилдан бери иссиқхонаси билан машғул. Ишни кичик икки сотихли иссиқхонадан бошлаб, бугунги кунда саккиз сотихли замонавий иссиқхонага эга бўлишди. Бу эса оиланинг меҳнатсеварлигининг яққол далилидир.

Бу хонадонга кирган киши Муҳтабар бувининг ширин суҳбатларини тинглаб, вақт қандай ўтганини сезмай қолади. Ҳар бир сўзи — ҳаётий тажриба, меҳнатга меҳр қўйиш сабоғи. Дарҳақиқат, шундай хонадонлар туфайли дастурхонларимиз доимо тўкин, ҳаётимиз фаровон.

Ирода АБДАЗИМОВА

МАҚСАД – СИФАТЛИ МАҲСУЛОТ ЕТИШТИРИШ



Туманимизда суғориладиган ер майдони 8611 гектарни ташкил этади. Фермерларимиз бу ерлардан унумли фойдаланиб, турли хил қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирмоқдалар. Бугунги кунда етиштирилган ҳосилни ички бозорлар ва Қозоғистон, Россия давлатларига экспорт қилиш ишлари қизғин давом этмоқда.


Зангиота тумани ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги томонидан жами 673та ички ва ташки бозорга фитосанитор сертификатлар ёзилди. Дала четларидан самарали фойдаланиб сифатли қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирган фермерларимизга бепул 3та ички фитосанитар сертификатлар берилди.

Озиқ-овқат хавфсизлигининг олдини олиш ҳамда ташқи ва ички бозорларга сифатли қишлоқ хўжалиги махсулотлари етказиб бериш учун бир қатор семинарлар ўтказилди.

Узум, мевали боғларда олхўри, олма мевахўрига қарши ферамон тутқичлари қўйилиб, узум куясига қарши ишлов берилганлиги бугун ўз самарасини кўрсатмоқда.

Асқар АЛИМАТОВ,
Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги Зангиота тумани фитосанитар давлат инспектори.

КУЗАТУВ КАМЕРАСИ ФОШ ҚИЛДИ



Х.Й. чиқиндиларни ташлаш учун “Жигули” автомашинасида “Намуна” маҳалласининг чеккароқ жойига йўл олди. У ёқ, бу ёққа аланглаб, транспортлар ҳаракати камлигидан фойдаланиб, белгиланмаган жойга чиқиндини ташлаб, ортига қайтди. У, бу ҳаракатимни ҳеч ким кўрмади, деб ўйлаганди. Лекин унинг чиқинди ташлагани кузатув камераси хотирасига муҳрланиб қолган эди.

Тошкент вилояти Экология бошқармаси Зангиота туман бўлими ҳамда вилоят Ички Ишлар бошқармаси йўл-патруль хизмати ходимлари томонидан ҳолатга аниқлик киритилганда ҳуқуқбузарликни фуқаро Х.Й. содир этганлиги аниқланди. Ҳуқуқбузарга нисбатан маъмурий баённома расмийлаштирилди ва жарима чораси қўлланилди.

Ўз мухбиримиз.

► *Депутат назорати*

НАРХ-НАВО БАРҚАРОРЛИГИ ЙЎЛИДА

Байрами арафасида аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талаби ҳар қачонгидан ошади. Чунки ҳамма байрамни тўкин дастурхон атрофида шоду хуррамлик билан нишонлагиси келади.

Лекин шуниси борки, байрамдан ўз манфаати йўлида фойдаланиб, нарх-навони оширадиган тадбиркорлар ҳам борлиги ачинарли ҳолдир.

Хўш, бу борада туманимизда аҳвол қандай? Нарх-наволар барқарорми?




10-округ депутати Г.Турсунова, 18-округ депутати Ф.Раджапова, 15-округ депутати К.Мамуровалар "Амир Темур" маҳалла фуқаролар йиғини ходимлари билан биргаликда тумандаги бозорларда озиқ-овқатларнинг нарх-навоси кескин ошиб кетишининг олдини олиш бўйича назорат тадбирлари, тадбиркорлар ва сотувчилар ўртасида суҳбатлар ўтказишди.

14-Фаробий округи депутати З.Назаров ва 13-Назарбек округи депутати А.Кудайбергеновалар Назарбек ҳудудидаги бозор ва савдо масканларида нарх-наволар ҳолати ва аҳолига сифатли маҳсулот етказиб бериш масалаларини ўргандилар. Унда бозордаги озиқ-овқатларнинг нархи ва сифати ўрганилди, аҳолига барқарор ва қулай шароитда маҳсулот етказиш имкониятлари муҳокама қилинди.

Назорат тадбирлари давом этмоқда.

Ўз мухбиримиз.

ISTIQBOL
2025-yil 29-avgust / Juma / № 34 (6186)



ЎЗБЕКИСТОН МАҲАЛЛАЛАР УЮШМАСИ ЗАНГИОТА ТУМАНИ БЎЛИМИ

барча тумандошларимиз, маҳалла “еттилиги”ни энг буюк, энг азиз байрам –

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг

34 йиллиги *билан самимий муборакбод этади.*

Барчангизга сиҳат-саломатлик, хонадонларингизга файзу барака ва фаровонлик, маҳаллаларингизга ободлик тилаймиз. Мустақил Ватанимизнинг тинчлиги, гуллаб-яшнаши ва равнақи йўлида олиб бораётган ишларингизда зафарлар ёр бўлсин!

Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси ЗАНГИОТА ТУМАНИ БЎЛИНМАСИ КЕНГАШИ

барча тумандошларимизни, таълим ва фан ходимларини кириб келаётган

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 34 йиллиги байрами муносабати билан самимий қутлайди.



Барчангизга тинчлик, осойишталик, фаровонлик, мустақил ватанимизнинг тинчлиги, гуллаб-яшнаши, равнақи учун қилаётган хизматларингизда, ёш авлод таълим-тарбияси йўлидаги машаққатли, шарафли ва масъулиятли ишларингизда омад ёр бўлишини тилаймиз.



ISTIQBOL
Muassis: Zangiota tumani hokimligi

Bosh muharrir o‘rinbosari
Jamila ARSLONOVA

Tahririyat manzili: Eshonguzar qo‘rg‘oni, tuman hokimligi binosi.
Telefon: 70-97-53-286.

Gazeta haftaning juma kuni chiqadi.
Hajmi 2 taboq, qog‘oz bichimi A3.
Ofset usulida bosildi. Bahosi erkin narxda.

Bosishga topshirish vaqti: 12.00
Bosishga topshirildi: 12.00
1 2 3 4 5 6

Gazeta tahririyat kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Navbatchi: Iroda ABDAZIMOVA

Toshkent viloyati Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar boshqarmasida 2012 yil 24 iyulda 03-015 raqami bilan ro‘yxatga olingan. Nashr indeksi: 64895

“Sharq” nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Toshkent shahri, “Buyuk Turon” ko‘chasi, 41. Adadi – 2850. Buyurtma № G-814.

ISSN 2181-61820